



ТОШКЕНТ



ОЖШОМИ

XXI аср сароси
Борча навбалардан
олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

• Олий Мажлисида Қонунчилик ва суд-хуқуқ масалалари қўмитасининг ташаббуси билан «Ўзбекистонда демократлаштириш жараёнининг ривожланишига қўмаклашиш» ТАСИС дастури лойиҳаси билан биргаликда «Норматив ҳужжатларни тайёрлашдаги қонунчилик техникаси» мавзусида амалий семинар ўтказилди.

• **Кеча** Олий Мажлисида «Ўзбекистон Республикасининг «Сугурта фаолияти тўғрисида»-ги Қонунини амалга ошириш масалалари» мавзусига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

• Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг навбатдаги мажлисида Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамасининг 18 июлда ўтказилган мажлисида сўзлаган маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар муҳофизат этилди.

• **Кеча** Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигида бўлиб ўтган сим орқали мулоқотда қишлоқ ҳўжалигидаги долзарб вазифалар, хусусан, гўза парвариши билан боғлиқ масалалар муҳофизат қилинди.

• Нукусда иккинчи чакриқ Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғоғи Кенгазининг тўққизинчи сессияси бўлиб ўтди.

• Пойтахтдаги Бизнес марказда Япония ҳукуматининг кичик ҳажмли лойиҳаларга бегараз ёрдами доирасида Тошкентдаги ўрта умумтаълим муассасалари ҳамда Аёллар ижтимоий молашув марказига қарийб 140 минг АҚШ доллари миқдоридagi гранти топширилди.

• Наманган вилояти давқуллода вазиятлар бошқармаси қошида янги қидирув-қутқарув хизмати ташкил этилди.

• **Кеча** Ўзбекистон Футбол федерациясида журналистлар учун матбуот анжумани ўтказилди. Унда бугун Марказий «Пахтакор» стадионига Тошкентнинг «Пахтакор» ва Фарғонанинг «Нефтчи» жамоалари ўртасида ўтказиладиган футбол бўйича мамлакат Кубоғи финал ўйини ҳақида сўз борди.

• **Бугун** мамлакатимиз пойтахтида ҳаво ўзгариб турди, ёғингарчилик бўлмади. Шарқдан соғнайсига 3-8 метр тезликда шамол эсди. Кундуз кунни ҳаво ҳарорати 40-42 даража иссиқ бўлди.

Жаҳонда

• **Кеча** Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин тақлифига биноан Украина Президенти Леонид Кучманинг Россияга икки кунлик ташрифи бошланди. Икки давлат раҳбарлари ўртасида бўлиб ўтган музокара-ларда ўзаро ҳамкорлик масалалари муҳофизат қилинди.

• Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиев ва Арманистон Президенти Роберт Кочарян 14 август кунини чегарада жойлашган Нахичеван мухтор Республикасининг Сафарак ҳудудига учрашиб, Тоғли Қорабоғ муаммосини ечиш масаласини муҳофизат қилишади.

• **Кеча** Колумбия пойтахти Богота шаҳрида янги сайланган Президент Альваро Урибени парламент биносига қасамёд маросимини ўтказётган пайтда бир неча даҳа нарида содир этилган қўпуровчилик оқибатида 14 киши қурбон бўлган ва 60 дан зиёд киши жароҳатланган.

• Япония Бош вазири Дзуньитиро Коидзуми **индида** АҚШга ташриф буюриб, 2000 дан зиёд кишининг ҳаётига зомин бўлган террорчиликка бир йил тулиши муносабати билан ўтказиладиган мотам маросимига қатнашишни режалаштирмоқда.

• **Американинг** «Spirit Airlines» авиакомпанияси **индида** барча йўналишлардаги авиақатновлар бепул бўлишини эълон қилди. Ушбу қарор террорчилик амалга оширилган кунни йўловчиларнинг самолётларда учини хохламаётганликлари сабабли қабул қилинди.

• **7 августдан** бошлаб Украинада яна ҳарбий самолётларнинг парвозига рўқсат берилди. Маълумки, 27 июлда Львовда Су-27 ҳарбий самолётининг ҳалокати туғайли 29 июлдан бошлаб жанговар навабчиликда турувчи самолётлардан бошқа барча ҳарбий самолётларнинг парвози тақиқлаб қўйилган эди.

• **Бугун** Вашингтонда Фаластин делегациясининг АҚШ Давлат котиби Колин Пауэлл ва Америка Президентининг Миллий ҳафсизлик бўйича маслаҳатчиси Коңдолиза Райс билан музокаралари бошланди.

• **Бугун** — Жаҳон тўб дунё халқлари кунини.

• Ливерпул университети тадқиқотчилари телевизор аёллари семиртилади, деган ҳулосага келишди. Эртдан кечгача сериал, ток-шоу томоша қиладиганларнинг вази аста-секин оғирлашиб бораркан.

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 93 (9.743) 2002 йил 9 август, жума Сотувда эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

2002 йилнинг 1 сентябридан бошлаб ўқитувчилар ва ўқув юртлари муаллимларининг, илмий ходимларнинг иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисида

Илмий ва муаллим кадрлар меҳнатини қўшимча равишда рағбатлантириш, илмий ходимларнинг, умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчиларининг, академик лицейлар ҳамда касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасалари муаллимларининг ижтимоий-маиший ҳамда моддий турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида:

1. 2002 йилнинг 1 сентябридан бошлаб бюджет маблағлари ҳисобидан молияланадиган умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчиларининг, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари, олий таълим муассасалари муаллимларининг ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари илмий ходимларининг иш ҳақи ўрта ҳисобда 1,2 баробар қўпайтирилсин.

2. 2002/2003 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчиларининг, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари муаллимларининг педагогик юкломлари куйидагича белгилансин:

бошланғич синфларда — ҳафтасига 18 соат; юқори синфларда — ҳафтасига 20 соат; академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари, ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида — йилига 800 соат.

3. Ушбу Фармонга мувофиқ иш ҳақини ошириш билан боғлиқ сарф-харажатлар дарс соатларининг ўзгаришини эътиборга олган ҳолда республика Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Ўрта махсус, касб-хунар таълим маркази, ўз қарамоғида бюджет маблағлари ҳисобидан молияланадиган таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ҳамда идоралар;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофизат қилиш вазирлиги билан биргаликда ҳамда Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда икки ҳафта муддатда умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчиларининг, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари, олий таълим муассасалари муаллимларининг, илмий ходимларининг янги иш ҳақи миқдорларини тасдиқласинлар;

2002/2003 ўқув йилидан бошлаб синфлар (гурӯҳлар) тўлдирилишининг амалдаги нормативларига риоя этилган ҳолда синфлар ва гуруҳлар шакллантирилиши ҳамда ўқитувчилар ва муаллимларнинг иш ҳақи тарифлари ўз вақтида белгиланишини таъминласинлар.

5. Куйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1990 йил 2 июндаги 12-сон Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1990 йил 13 ноябрдаги 93-сон Фармонининг 1-банди.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда амалдаги қонунчиликка мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

7. Ушбу Фармон матбуотда эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2002 йил 7 август.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар



Масанно Сизия, Бунёдкорлар!

Бизда байрамлар кўп. Хусусан ҳар йили август ойининг иккинчи яшанбасида Қурувчилар кунини нишонлаш одат тусига кирган. Зеро байрамлари кўп юртининг файзу-таровати ўзгача бўлади. Айниқса шу кунда қурувчилар — Энг Улуғ байрамимиз арафасида гўзал пойтахтимиз нурга бурканиб янада кўркам ва файзли бўлиб кетади.

Жаннатмакон ўлкамизнинг тиниқ осмонини мўътабар замини, гўзаллигини меҳмондўстлиги аллақачонлар тилларда дoston бўлган. Дарҳақиқат, бугун пойтахтимизнинг чирой очмаган, қиёфаси ўзгармаган бирон-бир гўшасини топиш қийин. Ҳар кун, ҳар соатда биз орзу қилган ва баъзан тасаввуримизга сизгайдиган замонавий пойтахт тимсоли кўз ўнгимизда тобора ёрқинроқ гавдаланмоқда. Биргина шаҳар маркази эмас, балки бугун Эски шаҳарни ёки Чилонзору Сергели, Юнусобод даҳатларини кезиб чиққан киши бу ердаги улкан қурилишлар, осмонўпар маданий ва маъмурий ҳамда турар жой бинолари, ям-яшил хиёбонлар, истироҳат боғлари, заррин камалак тусда тоб-

ланиб ким ўзарга кўкка сув пуркаётган фавворалар ва яна бошқа кўплаб янгиликлардан хабардор бўлади. Шунинг учун зортимиз истиқбол ва унинг бугунги иқболи билан гурурланамиз. Бирин бириндан билад шундай гўзал қасрларни барпо этган, дам олиш масканларининг чиройини очиб тасдиқдорларга тасаннолар айтамыз.

Юқоридаги суратда эл-юрт манфаати йўлида қилаётган ишларидан мамнун кайфиятда ўз касб байрамини кутиб олаётган шахримиздаги 10-қурилиш бошқармаси қурувчиси Уктам Одиловни қўриб турибсиз.

(Қурувчилар кунига бағишланган саҳифанинг газетамизнинг 2-бетида ўқийсиз)

Тиббиёт йўналишидаги ютуқлар

«Қон тўқтатувчи препарат олишнинг технологиясини яратиш» деган мавзудаги йирик тадқиқотни амалга ошириш йўлида Ўзбекистон Фанлар академиясининг биорганик химия институти олимулари жиддий изланмоқдалар. Инсон саломатлиги учун муҳим бўлган ушбу тиббий йўналишда катор иккунчи ютуқлар қўлга киритилди.

«Лагоден» деб номланган дори намунасини яратиш қутилган натижани берди. Изланишлар самараси ўлароқ «Лагоден» препарати субстанцияси ва дори воситасини олишнинг тажриба-саноат ҳосиласи тайёрланди. Бу дори ни олишда ишлатиладиган дастлабки моддалар — лагоҳилин ҳосил қилишнинг экологик жиҳатдан тоза технологиясини яратиш имконини берди.

Янги технология бўйича олинган лагоҳилин моддасининг физик-химёвий кўрсаткичлари ҳам аниқланди.

Олиб борилган бу баки кузатишлар «Лагоден» препарати истиқболини белгилашда муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Акбар АЛИЕВ

Байрамингиз муборак, азииз курувчилар!

Дунёда шарафли касблар кўп. Улар орасида курувчилик ўзининг алоҳида ўрни, масъулияти, кадр-қиммати билан ажралиб туради. Бугунги кунда пойтахтимизда ҳам яратиш ва яшатиш йўлида, шахримизни жаҳоннинг энг гўзал шаҳарлари қаторидан ўрин эгаллашни таъминлаш мақсадида юзлаб бунёдкорларимиз меҳнат қилишмоқда. Уларнинг баракали меҳнати кўрган кўзларни қувнатиб, салобатли иншоотларда, шинам уй-жойларда, замонавий коллеж ва лицейларда, равон йўллару мустаҳкам кўприкларда ёрқин намойён бўлмоқда. Айни дамда касб байрамларини муносиб нишонлашни ният қилган бунёдкорларимиз ҳамшаҳарларимизга ажойиб тўхфалар хозирлашган. Ана шу ҳақда Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Шавкат ҚОСИМОВ билан сўхбатлашдик.

— Шуниси гоят қувонарлики, толмас кўлли бунёдкорларимиз ҳар йили касб байрамларини яқинлашиб келаётган энг улуг айём — Мустақиллик шодиёнлари билан ҳамонанг таразда қутиб олишади. Бу уларни янги меҳнат зафарларига чорлаб, дилларида фахр туйғусини уйғотади. Пойтахтимизга кўрк бўлиб, унинг жамолани кўз-кўз қилаётган салобатли, муҳташам иншоотларнинг, ҳалқимиз фаровонлигига хизмат қиладиган биноларнинг ижодкорлари яна шу азамат бунёдкорларимиздир.

Шу боис ҳам ҳар йилги анъанани бузмаган ҳолда курувчилар қўшалок байрамни муносиб тўхфалар билан қутиб олишмоқда. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури бажарилишига ўз хиссасини қўшган ҳолда пойтахтимизда 3 та коллежни янги ўқув йилига фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Насиб этса, 1 сентябрдан метрополитен, миллий хунармандчилик, агротехорат касб-хўнар коллежлари ўз ўқувчиларини янги бинода қабул қилади.

Шунингдек, «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуасида қад ростлаётган «Қазагон қурбонлари хотираси» музейи, Кичик Ҳалқа йўлининг Авлиё ота кўчасида Усмон Носир кўчасигача бўлган 6,3 километрлик иккинчи қисми ва Усмон Носир ва Фарход кўчалари чорраҳасидаги кўприк қуриб битказилмоқда. Шу билан бирга «Шимол» вокзалдан «Жанубий» вокзалгача бўлган масофадаги темир йўли қайта таъмирланиб, йўл ёқаларида ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

— Байрам арафасида пойтахтимизда фаолият кўрсатиб, сифатли бунёдкорлик ишларини амалга ошираётган қайси курилиш ташкилотларини алоҳида таъкидласа бўлади?

— Албатта, курилиш — мардлар майдони. Ана шундай майдонда қишнинг қаҳратонлигидан саратонини ҳам писанд қилмай ғайрат кўрсатаётган барча курувчиларга тасаннолар айтигинг келади. Шу ўринда шахримизда 2000 дан ортиқ курилиш ташкилоти ва фирма-

лари фаолият кўрсатаётганини алоҳида таъкидлаб, айниқса «12-трест», «159-трест», «Турон» ҳиссадорлик жамиятла-

Муҳташам бинолар — фахримиз

ри, «Шиаз», «Элеком» фирмалари ва бошқа жамоалар ишидаги изланувчанлик, сифатга, замонавий курилиш материалларидан оқилона фойдаланишга қаратилаётган эътиборни кўрсатиш лозим.

Шу ўринда Мустақиллик йилларида меҳнатлари муносиб тақдирланиб, эълурт ишончини оқлаш йўлида янада баракали меҳнат қилаётган Ўзбекистон Қаҳрамони Холхўжа Умаров, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган курувчилар Ёқубжон Испандиёров, Ҳамит Қаюмов, Йўлдош Шобилолов, Тоир Дадахонов, орденли бунёдкорлар Қобилжон Фофуров, Альфия Дилъирирова ва бошқа ўнлаб илгорларнинг номларини шараф билан тилга олсак айни муддао бўлади.

— Бугунги кунда пойтахтимиздаги барпо этилаётган иншоотларда қўлланилаётган янги курилиш ва меъморчилик услублари хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз...

— Дарҳақиқат, бу борадаги янги технологик изланишлар амалиётга татбиқ этилмоқда. Шу билан бирга янги лойиҳалар устида ҳам тадиқотлар олиб борилмоқда. Айни кунларда германиялик ҳамкорлар, хусусан «Кнауф» фирмаси мутахассислари билан гипскартон курилиш материални ишлаб чиқариш бўйича қўшма қорхона таш-

кил этиш учун музокаралар кетмоқда. Бундан ташқари сантехфаянс, кичик ҳажмдаги пластмасса қувурлари, турли елим махсулотларини маҳаллий хом ашёдан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш масалалари ечимини топиш арафасида турибди. Яқин кунларда шахримизда ҳар томонлама қулай ва арзон опалубкалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида германиялик шериклар билан қўшма қорхона инт бошлайди. Буларнинг барчаси келгусида шахримизда қад ростлайдиган биноларда кенг қўлланилиб, курилиш сифатини ошириш ва мустаҳкамлигини таъминлашга муҳим хисса бўлади, албатта.

— Курилишда бундай янги технологияларнинг қўлланилиши ўз ўрнида маҳоратни ҳам талаб этади...

— Гап кадрлар масаласида эканини тушунидим. Бу борада оз бўлса-да, лекин тажрибага эгамиз. Бугунги кунда кўпчилик курилиш майдонларида бунёдкорларимиз хорижий мутахассислар билан ҳамкорликда ишлашмоқда. Хусусан, бунга Франциянинг «Буйг» компанияси билан ҳамжиҳатликда қад ростлаган «Шератон-Тошкент», Туркиянинг «Айселг» фирмаси иштирокида бунёд этилган «Интерконтиненталь-Тошкент» меҳмонхоналари яққол далилдор. Айни пайтда эса «Айселг»нинг бир неча шўба қорхоналари пойтахтимиздаги бунёдкорлик ишларида фаоллик кўрсатишмоқда. Булар жумласига шахримиз марказидаги «Картина галереяси» ҳамда қайта таъмирланаётган меҳмонхоналарни киритиш мумкин.

Бундан ташқари курилиш ва инвестиция дастурлари департаменти қошида малакали соҳа ходимлари тайёрловчи «Мутахассис» ўқув маркази юзлаб кадрларни тайёрлаб бермоқда. Шунинг билан алоҳида таъкидлаш лозимки, бир неча касб-хўнар коллежларида ҳам курилиш йўналиши бўйича мутахассислар етиштириш чўқмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, барча курувчиларни касб байрамлари билан чин дилдан муборакбод этиб, эзгу ниятларининг ҳаминша амалга ошишига тилак билдираман.

Шарифа ИЛЁСОВА ва **Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА** сўхбатлашди.

Ҳар қанча ғурурланса арзийди

Она шахримиз, Шарқда машъал пойтахтимиз Тошкентнинг бугун салобати ўзгача. Айниқса, мустақиллик йилларида бунёд этилган муҳташам иморатлар, замонавий ва шинам турар жой бинолари, жаҳон андозалари даражасидаги йўллару мустаҳкам кўприклар унга бир олам чирой, гўзаллик бахш этмоқда.

Ана шундай фахрлансак арзийдиган, барчага кўз-кўз қилсак диллар қувнайдиган биноларни бизнинг кўли гул курувчиларимиз бунёд этишмоқда. Пойтахтимиз кўчаларига чирой, неча-неча бахтли оилаларга шодлик олиб кираётган, илк чироқлари ёнганда одамлар дилларини ўқшомларини равшан этаётган турар-жой биноларини айтмай-сизми? Улар қайси кўча, қайси мавзеда қад ростламасин бири-бирдан файзли, кўркам ва чароғон.

Ўтган йилда пойтахтимизнинг Мухбир, Генерал Узоқов, Элбек, Қатортол, Амир Темур ва бошқа кўчаларида қад ростлаган кўп қаватли уйларда бугун бахтиёрлик нашидаси. Шу билан бирга уларнинг ёнларида янаям гўзал уйлар қурилмоқда, лойиҳачи, меъмор ва курувчиларимизнинг меҳнат маҳорати, ғайрат-шижоати намойён бўлмоқда.

Биргина Нукус кўчасини олайлик. Йўл таъмирланиб, кенгайтирилгач, кетма-кет 5 та 12 қаватли уй-жой курилиши бошлаб юборилди. 150 дан ортиқ хонадонга мўлжалланган биноларнинг ҳозирда тўртинчиси фойдаланишга топширилиш арафасида. Уларни «Уй-жойкурилиш» акциядорлик жамиятига қарашли 1-курилиш конвейер бошқармаси бунёдкорлари қуришмоқда. Айни кунларда бу курилиш майдонида ғайрату шижоат кўрсатилмоқда. Шунингдек, айнан шу кўчада қад ростлаётган, барча қулайликлар инobatга олинган 7 қаватли гиштли уйлар мажмуасини «Габус» курилиш-инвестиция фирмаси буюртмаси асосида «KARDO» курилиш фирмасининг таҳрири усталари бунёд этишмоқда. Йил охиригача кетма-кет фойдаланишга топширилган ушбу уйлар нафақат шахримиз чиройини очади, балки толмас кўлли бунёдкорларнинг маҳорат ва изланишлари яна бир бор намойён этилади.

Ҳа, фахрлансак бўладиган, ҳар қанча ғурурлансак арзийдиган бунёдкорлик ишларимиз бир дам ҳам тўхтамайпти, замон билан ҳамнафас давом этмоқда.

Шарофат БАҲРОМОВА

Пойтахтимизда қад ростлаётган замонавий турар жой биноларида 26-курилиш бошқармаси бунёдкорлари ҳам ғайрат кўрсатиб меҳнат қилишмоқда.

СУРАТЛАРДА: бошқарманинг илгор курувчи (чапда) Арстан Есенбоев ва бригада бошлиғи Виктор Сурскийлар бино курилишида жонбозлик кўрсатишди; шахримизнинг Миробод туманида бунёд этилган янги турар жой биноси.

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.



ДИЛ СЎЗЛАРИ

Касбимни эъзозлайман

• Ҳамит ҚАЮМОВ, «159-трест» ҳиссадорлик жамиятига қарашли 53-курилиш бошқармаси бригада бошлиғи, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган курувчи:

— Ҳақиқатан курувчилик — ҳам шарафли, ҳам машаққатли касблардан саналади. Шунинг учун ҳам бунёдкорлик майдонларида билага куч-қувватга, қалби шижоатга тўла инсонлар меҳнат қилишади. 27 йилдан буён курувчилик касбини эъзозлаб, қанча-қанча кўркам иншоотлар курилишида иштирок этдим. Бугун уларга қараб қалбим фахрга тўлади. Айниқса, юртимиз мустақилликка эришгач, барча соҳа ходимлари қатори курувчилар учун ҳам кенг имкониятлар юзага келди, бунёдкорлик ишлари ниҳоятда авж олди. Биз курувчилар бундан бениҳоя руҳланган ҳолда меҳнат қилаяпмиз.

Бригадамиз аъзолари Курувчилар кунини кўтаринки кайфият билан нишонлашмоқда. Жорий йилда М.Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваторияси курилишида ҳамда Тошкент метрополитени коллежи курилишларида фаол иштирок этиб, ўз вазифамизни сифатли адо этдик.

Ҳамкорликда ишлаяпмиз

• Ойдин ГЁРБУС, Туркиянинг «APEAS» фирмаси бунёдкори:

— Ўзбекистондаги бунёдкорлик ишларида курувчилар билан ҳамкорликда меҳнат қилаётганимиздан беҳад мамнунмиз. Республикадаги кенг қўламли курилиш ишларини, мохир курувчиларнинг ғайрат-шижоатини кўриб мустақил давлатнинг гуллаб-яшнашида уларнинг ўрни беқиёслигини ҳис этиб турибмиз. Фирмамиз ишчи-хизматчилари Самарқанддаги 2 та меҳмонхона курилишида қатнашишди. Ҳозирда эса «Чортоқ» оромгоҳи курилишида муҳандислик тармоқларини ўрнатиш, пардозлаш юмушларини бажаришда фаоллик кўрсатяпмиз. Биз бу ердаги ўзаро ҳамжиҳатликдан бениҳоя хурсандмиз. Биз ўзбекистонлик курувчилар билан ҳамкорликда ишлаётганимиздан мамнун бўлган ҳолда, уларни касб байрамлари билан жамоамиз аҳли номидан чин дилдан қутлаймиз.



Душанба 12

Телеомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан душанба, 12 август кунин «Узбекистон» телеканалда кўрсатувлари соат 15.00 дан бошлаб кўрсатилади. 15.00 «Талихнома». 15.45 ТВ-анонс. 15.50 «Тўртинчи хошимит».

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВДа сериал «Оффисна баридан чиққан фирибгарлар». 52-қисм. «Шарки ва Жорж»-6-қисм. 18.30, 20.00, 21.15, 22.30 «Пойтахт». Абхорот дастури.

3.50 - 7.00 РТРда тонг. 4.00, 5.00, 6.00 Хабарлар. 4.10 «Православ тақвими».

яқши ўйинлари. Сенегал - Швеция. 22.00 «Ифтиқонинг тугалиши». Бадий фильм. 0.00 Соғ бўлай десанг. 0.30 «Катализм-2000». Бадий фильм.

фильм. 22.00 «Ифтиқонинг тугалиши». Бадий фильм. 0.00 Соғ бўлай десанг. 0.30 «Катализм-2000». Бадий фильм.

риал. 9.00 «Жеҳ мўъжизалар мамлакатиде» Бадий фильм. 10.30 «Ўзирланган юз». Мультифильм.

Сешанба 13

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 - 8.35 «Ахборот». 8.35, 17.55 ТВ маркет. 8.40 Гавагалар шарҳи. 9.00 «Узбекистоннинг намоийици» «Давролар».

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВДа сериал «Фиривгарлардан чиққан фирибгарлар». 53-қисм. 17.45, 19.05, 22.15 «Экспресс» телегазетаси.

3.50 - 7.00 РТРда тонг. 4.00, 5.00, 6.00 Хабарлар. 4.10 «Православ тақвими».

яқши ўйинлари. Сенегал - Швеция. 22.00 «Ифтиқонинг тугалиши». Бадий фильм. 0.00 Соғ бўлай десанг. 0.30 «Катализм-2000». Бадий фильм.

фильм. 22.00 «Ифтиқонинг тугалиши». Бадий фильм. 0.00 Соғ бўлай десанг. 0.30 «Катализм-2000». Бадий фильм.

риал. 9.00 «Жеҳ мўъжизалар мамлакатиде» Бадий фильм. 10.30 «Ўзирланган юз». Мультифильм.

Чоршанба 14

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.35 «8.35 «Ахборот»»
8.35 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газетлар шарҳи.
9.00 «Ўзбекистон» наомийи: «Хонобод».

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси «Дўни ва болалар».

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТВда сериал «Официна баридан чиққан фирибгарлар».

11.10 «Иблис боласи». Телевизион.
12.00 «Минотаврга ташриф».

3.50 — 7.00 РТРда тонг.
4.00 5.00, 6.00 Хабарлар.
4.10 «Православ тақдими».

5.05 — 7.50 НТВда тонг.
7.50 «Полчиначилар: узокда».

8.30 «Симба-футболчи». Мультсериал.
8.00 Пауэр Рейнджерс ёки қудратли Рейнджерлар.

17.00 «Лус-Мария». Сериал.
18.00 «Яширин камера билан».

Пайшанба 15

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.35 «8.35 «Ахборот»»
8.35 17.55 ТВ маркет.

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси «Ассалом, ором!».

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТВда сериал «Официна баридан чиққан фирибгарлар».

11.10 «Иблис боласи». Телевизион.
12.00 «Минотаврга ташриф».

3.50 — 7.00 РТРда тонг.
4.00 5.00, 6.00 Хабарлар.
4.10 «Православ тақдими».

5.05 — 7.50 НТВда тонг.
7.50 «Полчиначилар: узокда».

8.30 «Симба-футболчи». Мультсериал.
8.00 Пауэр Рейнджерс ёки қудратли Рейнджерлар.

17.00 «Лус-Мария». Сериал.
18.00 «Яширин камера билан».

